# ИЖАРА ШАРТНОМАСИ № 2

Когон шахри 2022 йил 7 январ

«Malika Textil» МЧЖ ўринларда «Ижарага берувчи» деб юритилади, бир томондан Султонов Ниёз ва АТБ Қишлоқ қурилиш банк Когон филиали, кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» деб юритилади, 31.05.2019 йилдаги №49-28/20–Ишончнома асосида иш юритувчи бошқарувчи Шеров Хусен Баходирович номидан иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани тузДилар:

## 1. Шартнома предмети.

Шартномага мувофиқ «ижарага берувчи» қуйидаги бино иншоотни – «Банк филиалининг «Фронт ва Бек офис хизматларини курсатиш» учун мўлжалланган, 365 м.кв дан иборат Когон шахар Дустлик кучаси 38 уйнинг 2-каватини ижарага топширади, «ижарага олувчи» эса хақ тўлаш эвазига муддатли фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Бино иншоот «ижарага берувчи» нинг мулкчилигида қолади.

Бино иншоот «ижарага олувчи»га «Чакана хизматларни курсатиш» учун 240 кун муддатга ижарага берилади.

Ижара муддати 2022 йил 31 август тугайди.

## 2. Ижара хақи миқдори ва ҳисоб-китоб килиш шартлари.

«Ижарага олувчи» бино иншоотдан фойдаланганлик учун «ижарага берувчига» ҳар бир ой учун ККС билан бирга 21 000 000 (йигирма бир миллион) сўм микдорида ҳисобланиб, «ижарага берувчига» ҳақ тўлайди.

Коммунал тўловлар ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

Ижарага фойдаланишга олинган мулк эксплуатация харажатлари учун белгиланган суммани шартномага асосан 100% олдиндан тўловни амалга оширади.

Ижара ҳақи ушбу шартномада белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, «ижарага олувчи» тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1% миқдордаги пеня тўлайди.

## 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

«Ижарага берувчи» ижарачига бино ва иншоотни топшириши, ижарачи эса ушбу бино ва иншоотни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиши шарт.

«Ижарага олувчи» шартноманинг 1.1.-бандида белгиланган тартибда бино ва иншоотдан фақат унинг бевосита белгиланиши бўйича фойдаланади, ҳамда бино иншоатнинг бут ҳолда сақланганлигини таъминлайди.

«Ижарага олувчи» ижарага берувчининг ёзма розилиги бўлмасдан туриб, мол-мулкни қайта ижарага бермайди.

Бино иншоотни қайтариш пайтида тарафлар топшириш-қабул қилиш ҳақида далолатнома тузиш орқали топширадилар.

## 4. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг тарафлар шартномани янги муддатга тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

## 5. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш асослари.

Шартнома муддатидан олдин бир тараф томонидан, агар иккинчи тараф шартнома
мажбуриятларини мунтазам бажармасдан келса, бекор қилиниши мумкин.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

Ўз мажбуриятларини бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлар амалдаги қонун хужжатлари ва мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

## 7. Якуний шартлар.

Ушбу шартнома белгиланган тартибда Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади ва кучга киради.

Шартномага киритилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Тарафларнинг юридик манзилгохлари ёки банк реквизитлари ўзгарган ҳолда, бир бирларини 10 кун ичида хабардор қиладилар.

## Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари.

| ИЖАРАГА БЕРУВЧИ: | ИЖАРАЧИ: |
|---|---|
| «Malika Textil» МЧЖ | АТБ Қишлок қурилиш банк Когон филиали |
| Когон шахар Дустлик кучаси 38 уй | Когон шахар Дустлик кучаси 4 уй |
| х/р 20208000405306476001 | х/р 29805000600000087001 |
| Деҳқон Агро банк филиали | АТБ ҚҚБ Когон филиали |
| МФО 00998 | МФО 00087 ИНН 201109078 ОКОНХ 96120 |
| ИНН 305627931 | тел: 770-04-86, 770-04-83 |
| Тел: 99-247-81-70 | |
| рахбари Султонов. | Бошқарувчи ____________ Х.Б.Шеров |
| | Юрист ____________ А.Ибрагимов |